



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «5» август

VI-33-64-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **2021 йил Давлат дастурининг 170-банди ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши базасида ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 февралдаги 10-сонли Раёсат мажлисининг баёни билан тасдиқланган Назорат-режасининг 170-банди ижроларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш ҳамда Ташкилот тизимида фаолиятга доир раҳбарий-меъёрий ҳужжатлар ижросини изчил давом эттириш, фаолиятни тубдан такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш тўғрисида “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши З.Юсуповнинг ҳисоботи Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссиясида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши 2021 йил 8 июнь куни ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (И.Сапаров), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Ж.Чориев), вилоят Бандлик бош бошқармаси (С.Жумаев), “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши (З.Юсупов), туман (шаҳар) Васийлик кенгашлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарори талаблари асосида “Ватанпарвар” ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши тизимида ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишнинг I-босқичида 2021 йил якунига қадар “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг 1 228

нафарини “В”, “ВС”, “С”, “Д”, ва “Е” тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш ўқув курсларига ўқитиш ишларини ташкил этсин;

б) II-босқичда белгиланган режалар асосида “Ватанпарвар” ташкилоти Денов автомобил мактаби, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Қизириқ туман ўқув спорт техника клублари базасида вулканизаторчи, газ-электрпайвандчи, авточилангар, автоэлектрик мутахассисликлари бўйича 1,5 ойлик ўқув курсларида “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар, шунингдек, аҳоли ўртасида ушбу касблар бўйича тайёрлаш ишлари ташкил этилишини;

ўқув харажатларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонунда белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминлансин;

в) III-босқичда белгиланган режалар асосида, Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни юк ортувчи транспорт, автогидроподъёмник, юк крани, ғилдиракли трактор, битта ковшли экскаватор каби мураккаб техникаларни бошқарувчиси каби мутахассисликларга ўқитиш юзасидан “Ватанпарвар” ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари базасида ташкил этилаётган мураккаб техникаларни бошқарувчиси мутахассисларини тайёрлаш бўйича вилоятлараро марказларида маҳаллий ҳокимликлар, Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни юк ортувчи транспорт, автогидроподъёмник, юк крани, ғилдиракли трактор, битта ковшли экскаватор каби мураккаб техникаларни бошқарувчиси каби мутахассисликларга ўқитиш бўйича ўқув гуруҳларини шакллантириш ва вилоятлараро ўқув марказларига ўқишга юбориш чораларини кўрсин;

аҳоли орасида ушбу касбларга ўқитилаётган фуқаролар бир вақтнинг ўзида “С” тоифали автототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишлари тўғрисида тушунтириш ва ташвиқот ишларини амалга оширсин.

3. Термиз тумани ҳокими (Ш.Ўринов)га Термиз тумани аҳолисини ҳайдовчилик курслари ва меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш ишларини ташкил этиш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш мақсадида, “Ватанпарвар” ташкилоти балансига 1 ой муддатда Термиз тумани ҳудудидан бўш турган бино ва иншоотлардан қонунда белгиланган тартибда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жой ажратиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

4. Ангор тумани ҳокими (Ш.Абдуллаев), Узун тумани ҳокими (Б.Турсунов), “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгаши (З.Юсупов) Ангор ва Узун туман ўқув спорт техника клублари ҳудудида жойлашган Ветеринария лабораторияларини ўқувчиларнинг дарс жараёнларига салбий таъсир кўрсатаётганлигини инобатга олиб,

ушбу лабораторияларни туман ўқув спорт техника клуби ҳудудидан бошқа жойга кўчириш чораларини кўрсин.

5. Юқорида белгиланган вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Махмудова) зиммасига юклансин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**